Биография

Саттор Маҳматқулов



Саттор Маҳматқулов 1942 йил 12 апрелда Олтинсой туманидаги Жобу қишлоғида туғилган. 1959 йилда Шўрчи районидаги 23-ўрта мактабни тугатиб, шу мактабда бир йил муаллим бўлиб ишлади.

1961 йил Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига кириб, уни 1966 йилда муваффақиятли тугатди. Бир йил ҳарбий хизматда бўлган.

1967 йилнинг декабрь ойидан ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб келган.

1984-1992 йилларда тарих-филология факультет декани ўринбосари вазифасида ишлади.

2000 йилдан 2005 йилгача ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири лавозимида фаолият юритди.

Саттор Маҳматқулов 1980 йилдан машҳур тилшунос олим, филология фанлари доктори Шавкат Раҳматуллаев раҳбарлигида “ Ҳозирги ўзбек адабий тилида феълнинг орттирма даражаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1980 йилда доцентлик унвонига сазовор бўлди. С.Маҳматқуловнинг қирқ йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида 70 дан ортиқ илмий мақолалари республикамиз Фанлар академиясининг журналларида, шунингдек, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида эълон қилинган.

1993-1996 йилларда докторантурада бўлди.

Биография



Олимнинг ўзбек тили трансформацион грамматикасига бағишланган докторлик диссертацияси юзасидан “Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси” (1998), Проблемы языковых контактов и трансформационного анализа (ҳамкорликда 2001 йил) монографияларнинг нашр этилиши тилшунослигимизга қўшилган катта ҳисса бўлди.

Изланувчан олим С.Маҳматқулов “Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши” мавзусида докторлик диссертациясини ёзиб тугатди.

2004 йил 24 сентябрда “Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, Сурхандарё вилоятида биринчи филология фанлари доктори, профессор илмий даражасига эга бўлди.

Асарлари:

1998 Ўзбек тилида синтагманинг предикатив трансформацияси. Тошкент, “Университет”.

2001 Проблемы языковых контактов и трансформационного анализа. Термез.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.